

Иш № [REDACTED]
Маърузачи судья: [REDACTED]

Биринчи инстанция судида раислик қилган судья: [REDACTED]

Protected by PDF Anti-Copy Free
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ
БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ
П Р И М И



2022 йил 14 сентябрь [REDACTED] Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья [REDACTED], судлов ҳайъати судьялари [REDACTED] иборат таркибида, суд мажлиси баённомасини юритувчи судья катта ёрдамчиси [REDACTED] котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент вилоят прокуратураси бўлим прокурори [REDACTED], судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат [REDACTED] ҳамда [REDACTED] иштирокида, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2022 йил 8 августдаги [REDACTED] нисбатан чиқарган ҳукми устидан жабрланувчи [REDACTED] томонидан берилган шикоят асосида жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят иши бўйича Зангиота туман судининг 2022 йил 8 августдаги ҳукмига кўра,

[REDACTED],
1965 йил 29 январда Тошкент шаҳрида туғилган, миллат ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 3 нафар фарзанди бор, нафақада, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, [REDACTED] 8-даха [REDACTED] ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилганга нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 45-моддасига асосан, 1 йил 6 ой барча турдаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари миқдорида, яъни 6.000.000 сўм жарима жазоси тайинланган ва ЖКнинг 61-моддасига асосан тайинланган жазолар ҳар қайсиси алоҳида ижро этирилиши белгиланган.

Шунингдек, судланувчи [REDACTED] жабрланувчи [REDACTED] жами 1.706.700 сўм моддий зарар ҳамда 4.000.000 сўм маънавий зарар ундирилиши белгиланган.

Хужжат имзоланган: Бердикличев Хамра Жахангирович, 17.09.2022



Манфаатдор тарафларга мазкур жиноят иши юзасидан келгусида келиб чиқини мумкин бўлган бошқа ҳар қандай моддий ҳамда маънавий зарар юзасидан тегишли тартибда фуқаролик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқи тўшунтирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, сулданувчи [REDACTED], 2022 йил 3 май куни соат 18:30 ларда ўзига тегишли бўлган “NEXIA 3” русумли давлат рақами 01 D 102 AB 6 [REDACTED] PDF автомашинасида “Тошкент-Термиз” M39 автомобиль йўлида, [REDACTED]

[REDACTED]нинг 4,11 ва 12-бандлари талабларини қўпол равишда бузиб, автомашинани рул бошқарувида чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида бошқариб бориб, ўзи бошқариб бораётган автомашина йўналиши бўйича пастлик томонга тушиб келиш вақтида соғлиги ёмонлашиб, Қуёшли йўналиши томонга бурилиб, ҳаракатланмоқчи бўлган вақтда рул бошқарувини эплай олмай йўлнинг ўнг томон четки қисмига чиқиб кетиши натижасида олдин йўл четида турган [REDACTED]

[REDACTED] оновичга тегишли бўлган МАТИЗ русумли давлат рақами 01 W 424 LA бўлган автомашинасига бориб урилиб тўқнашув содир этган.

Судга оид тиббий экспертизасининг 2022 йил 28 майдаги 521-Э-сонли хулосасига кўра, вояга етмаган 2013 йил 15 августда туғилган [REDACTED] оёқ катта болдир суягининг очик синиб силжиши, чап болдир соҳаси эзилиб йиртилган жароҳати каби жароҳатлар борлиги аниқланиб, оғирлик даражаси бўйича “оғир” тан жароҳати тоифасига кириши кўрсатилган.

Судга оид тиббий экспертизасининг 2022 йил 9 июндаги 520-Э-сонли хулосасига кўра [REDACTED] чап болдир ва болдир товон бўғими юмшоқ тўқималари лат ейиши, тери ости қон қуйилиши жароҳатлари борлиги аниқланиб, “енгил” тан жароҳатлари тоифасига кириши кўрсатилган.

Судга оид транспорт трассалогия экспертизасининг 2022 йил 26 майдаги 376-сонли хулосасига кўра, тўқнашувнинг дастлабки вақтида “NEXIA 3” русумли автомашинасининг олди ўнг бурчаги “MATIZ” русумли автомашинасининг чап олди қанотига теккан ва бу вақтда уларнинг бўйлама ўқлари орасидаги бурчак 5+3 даража атрофида бўлганлиги, тўқнашув вақтида ҳар иккала автомашина ҳаракатда бўлганлиги, кўздан кечириш вақтида “NEXIA 3” русумли автомобилнинг рул бошқаруви, ишчи ва қўл тормоз тизими ҳамда юриш қисми ишга яроқли ҳолатда бўлганлиги кўрсатиб ўтилган.

Жабрланувчи [REDACTED] апелляция шикоятда йўл транспорт



ҳодисаси натижасида ўзи ва укаси [REDACTED] тан жароҳати олгани, ҳозирда уларга етказилган тан жароҳатлари тўғрисида даволанишлари, дори-дармон олишлари ва қўшимча жарроҳлик муолажалари ўтказиш учун ҳаражатлар қилаётгани ҳақида вақтлар келтириб, судланувчи Г.Абдужалилованинг хатти-ҳаракатларига қонуний баҳо беришни сўраган.

Судлов ҳайъати иш бўйича [REDACTED] маърузасини, Тошкент вилоят прокуратураси [REDACTED] бўлим прокурори [REDACTED], апелляция шикоятини қисман қаноатлантириш ва жабрланувчининг даволаниши учун қилган қўшимча харажатларни ундириш ҳақидаги, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокати [REDACTED] шикоятни рад қилиб, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2022 йил 8 августдаги ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятдаги вақтларни текшириб, судланувчи [REDACTED] сўроқ қилиб, жиноят иши ҳужжатлари таҳлил қилиб, суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Апелляция инстанцияси суди мажлисида жабрланувчи [REDACTED] ўзи ва укасига оғир тан жароҳатлари етказилгани, улар кўрган моддий ва маънавий зарарлар инсонийлик нуқтаи назаридан жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди томонидан тўғри ҳал қилинмагани, шу йўл транспорт ҳодисаси оқибатида укаси [REDACTED] болдир суяги очиқ эзилиб синиши оқибатида жарроҳлик йўли билан оёғига темир қўйилиб, 4 ойдан бери юра олмаслиги, бу йўл транспорт ҳодисасида у оёғидан тан жароҳати олгани, оёғига тўпланган гематомани шифокорлар жарроҳлик йўли билан олишгани, лекин орадан 4 ой ўтган бўлса-да, ўрни битмаётгани, бунинг оқибатида ишга лаёқатсиз бўлиб қолгани, бу йўл транспорт воситаси ҳодисаси содир бўлмасидан олдин ҳар ойда уйига 350.000 сўм иш ҳақини олиб келгани, бу йўл транспорт ҳодисаси натижасида у ва оиласи 11 млн. сўм атрофида моддий зарар кўргани, судланувчи [REDACTED] бошқарувидаги автомашина билан уларни йўлнинг четида турган жойларида уриб юборгани, оёғини пластик операция қилдириш кераклиги, 4 ойдан бери ишсиз эканлиги, укасини ҳам даволатиш кераклиги, йўл транспорт ҳодисаси судланувчи [REDACTED] машина ҳайдашни билмаслиги оқибатида содир бўлгани, касалхонага тушган вақтларида судланувчи [REDACTED] майда-чуйда қилиб, 200 АҚШ доллари бергани, ҳозирда даволанишлари учун олган дори-дармонлари учун қўшимча харажат қилганликлари, тўлов патталари борлиги, бу биринчи инстанция суд бўлиб ўтгандан кейинги харажатлар экани ҳақида баён қилиб, шикоятини қаноатлантириб, ўзи ва укаси [REDACTED] даволаниши учун сарфланадиган қўшимча харажатларни ундириб беришни сўради.

Апелляция инстанцияси суди мажлисида кўрсатув берган



судланувчи [REDACTED] содир қилган жинояти учун биринчи инстанция суди томонидан алоқатли жазо тайинлангани ҳақида баён қилиб, жабрланувчи [REDACTED] томонидан берилган шикоятни рад қилишни ва унга нисбатан чиқарилган биринчи инстанция суди ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни сўради.

Судлов ҳайъати биринчи инстанция суди томонидан судланувчи [REDACTED] юқорида қай [REDACTED] жиноятларни содир этганликдаги айби унинг суд мажлиси [REDACTED] бага иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, сўроқ қилинган жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, дастлабки тушунтириш хатлари, юзлаштириш баённомалари, иш юзасидан тузилган далолатномалар ҳамда жиноят ишида тўпланиб, суд ҳукмида атрофлича ёритилган бошқа объектив далиллар билан тўлиқ ўз тасдиғини топганлиги ҳақида асосли хулосага келинган деб ҳисоблайди.

Биринчи инстанция суди томонидан судланувчи [REDACTED] ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Судлов ҳайъати биринчи инстанция суди томонидан судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда, унинг шахсини, ёшини, оилавий аҳволини, муқаддам судланмаганлигини шунингдек содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларини инобатга олган ҳолда, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасига асосан, уни барча турдаги транспорт воситасини бошқариш муайян ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда унга қонун санкцияси доирасида жарима жазосини тайинлаш ҳақида тўғри хулосага келинган деб ҳисоблайди.

Шунингдек, биринчи инстанция суди судланувчи [REDACTED] жабрланувчи [REDACTED] фойдасига жами 1.706.700 сўм моддий зарар ҳамда 4.000.000 сўм маънавий зарар ундириш ва манфаатдор тарафларга мазкур жиноят иши юзасидан келгусида келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа ҳар қандай моддий ҳамда маънавий зарар юзасидан тегишли тартибда фуқаролик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтириш ҳақида асосли хулосага келган.

Шунга кўра, судлов ҳайъати суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹⁶-497¹⁸, 497²⁶, 497³¹-моддаларига риоя қилиб, судлов ҳайъати



А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2022 йил 8 августдаги **Protected by PDF Anti-Copy Free** (Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark) нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилган.

Ажримдан норози тарафлар қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Судди Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят беришлари ёки протест билдиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

имзо

[Redacted]

Ҳайъат аъзолари:

имзо

[Redacted]

имзо

[Redacted]

Ажрим нусхаси аслига тўғри:

судья

[Redacted]

